

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИНГ ТЎРА СУЛАЙМОН ИЖОДИДА ТУТГАН ЎРНИ

ИБРАГИМОВ ХАЙРУЛЛА ҲАМДАМОВИЧ

Абдулла Қодирий номидаги

Жиззах давлат педагогика

институтини ўқитувчиси

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг ўзбек тили лисоний имкониятларидан бадиий фойдаланиш маҳоратини, авваламбор, унинг халқ оғзаки ижодидан мақсадли истифода этишида кўриш мумкин.

Тўра Сулаймон XX аср ўзбек шеъриятида ўзига хос услуби, халқона оҳанглари билан алоҳида ўрин тутди. Шоир шеърларида поёнсиз даштларга хос кенглик, деҳқонча соддалик, бахшиёна оҳанг бор. Бу тизмаларни ўқиганда шеърий санъатлари адабий қонун-қоидаларни унутиб, сўзлардаги гўзалликдан ҳайратланасиз, туйғулардаги ҳароратдан кўнглингизга илиқлик югуради. Бир сўз билан айтганда, Тўра Сулаймон қайта-қайта ўқилса арзийдиган чинакам шоирларимиздан¹.

Ҳар қайси халқнинг тарихи ва маданияти, аввало, унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, ўзига хос қадрият ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади. Тўра Сулаймон шеъриятида халқ достонларининг гултожи – “Гўрўғли” достонининг таъсири яққол намоён бўлади.

“Ортиқ” шеърида ҳақиқий йигит ҳиммати Гўрўғли Султондан зиёдлигини таъкидлаб шундай мисралар битди:

Ёвни доводиратса йигит сиёғи,

Кўнглида бўлмаса заррача доғи,

¹ Ориф Толиб // <https://orifolib.uz/kutubxona>

Шердай наъра тортса талатўн чоғи,

Ҳиммати Гўрўғли

Султондин ортиқ.

Ижодкор отаси Сулаймон мулло Бойбек ўғлининг ўлмас хотирасига бағишлаб битган “Қайга қўйдилар” шеърида Гўрўғли султоннинг мардлигини таъкидлаб, ёзади:

*Ақиқ мисол мудом безубор софлик,
Хешларга садоқат, душманга дафлик,*

Гўрўғли султондай бир сўз, бир гапли

Отадан болага қолсин, дедилар,

Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?

Аввало, “Гўрўғли” дostonларининг сюжети ўлиб-тирилувчи табиат ҳақидаги мифологик тасаввурлар замирида пайдо бўлган. Ёз (бахор, ёз) ва киш (куз, қиш) мавсумий алмашинувини изоҳловчи миф эпосга кўчган ва бадий талқин этилган. Яъни, Гўрўғли гўрда туғилади, ғорга кириб ғойиб бўлади, ўлмайди. Дostonнинг лақай вариантыга кўра, қахрамон ғорга кириб уйқуга кетган. Бахши қахрамон ҳар олти ойда бошқа томонга ёнбошлаб, ўтрилиб ётади, деб куйлайди. Тўра Сулаймон халқимиз мард, жасур йигитларининг протатипи сифатида жуда кўп шеърларида Гўрўғлини тилга олади. Мисраларда кузатдикки, унинг номини куруқ тилга олмай, мардона хусусиятларини таърифлаб келтиради. Бу шоирнинг халқ дostonларининг вариантларини синчиклаб ўқиб, таҳлил қилганидан далолатдир.

Т.Сулаймон “Ўхшар” шеърида мардлар ватани – Чамбилни тилга олади:

Осмонидан ўлан аримас бу эл,

Юзга кирмай эли қаримас бу эл,

Теграсига қазо даримас бу эл

*Олтин дарвозали **Чамбилга** ўхшар.*

Маълумки, Гўрўғлининг салтанатида Авазхон – Гуржистондан, Ҳасанхон – Ваянгандан, Тўлакботир – Қандаҳордан, Холдорхон, Асад-Шодмон, каби турли элат, уруғлардан бўлган қирқ йигит бирлашиб, Чамбилнинг – озод, эркин ўлканинг гуллаб-яшнашига ўз қувватини қўшишига имкон яралган. Уларнинг барчаси чамбиллик бўлишган, шу ўлка шаъни, шарафини улуғ тутишган. Гўрўғлининг ўйи, сўзи, амали Чамбил билан боғлиқ эди. Шоир ўз элини Чамбилга қиёслаб, фахрланади. *Юзга кирмай эли қаримас бу эл*, деб Чамбил юртининг бунёдкори мард Гўрўғлига зимдан ишора мавжуд. Достонда Гўрўғли ёшининг 125 деб айтилиши ҳам бежиз эмас. Бизнингча, бу ёш нафақат қаҳрамоннинг, балки у тузган салтанатнинг ёшини, айти пайтда, достон куйловчилар мансуб халқ – туркийлардаги салтанатлар, подшоҳлик сулолари алмашинувининг даврий ўлчамини ҳам билдиради.²

Истеъдодли ижодкор нафақат шеърларида, балки бошқа жанрга мансуб асарларида ҳам Гўрўғлига мурожаат этилади. Масалан, “Харсанг” эртақ-достонида:

Серфарзанд кишилардан

Бўлсин, бу жон садага.

Дунёнинг не қизиги

Бордир боласиз зотга.

Ё Гўрўғли мисоли

Меҳр қўйдингми отга? – деб ёзади. Шоир шу ўринда “Гўрўғли” достонида яна бир этнос тақдири билан боғлиқ улкан бир тимсолга ишора қилади. Бу от ва зот масаласидир. Достон талқинига кўра, Гўрўғлидан от қолди, лекин зот қолмади. Гўрўғлининг ОТга эгалигию ЗОТи йўқлиги мазмун-моҳияти билан этнос тарихи тақдири билан боғлиқ ўзак қонуниятининг бадий

² Турдимов Ш. Эпосни ўқиб, ўтмиш, бугун, келажак моҳиятини тушунамиз. // <http://uza.uz/>

ифодасидир. Аслида салтанат тузувчи – Гўрўғлидек алплар бағрикенглик сиёсатини юргизган толерант шахслар ҳисобланади.³

Достонларда жарчи образи воқеалар ривожда ўз ўрнига эга. Улар халққа муҳим хабарларни етказишга хизмат қилган. Шоирнинг Раъно исмли ҳамшира қизга атаб ёзган “Бизлар томонда” шеърида ҳам шу образ келтирилиб, бевосита достонларни ёдга солади:

Шартларинг овоза бўлса Туронда,

Мағрибда, Машиқда, Мочин, Эронда,

Жарчилар десалар: “*Майдон мардники,*

Малика ҳамон ўз аҳд-қароринда!”

Хулоса қилиб айтганда, Тўра Сулаймон шеъриятида халқимизнинг бой маънога эга достонларининг қаҳрамонлари ва топонимлари ўз аксини топган. Бу шеърнинг бадиий қимматини ошириш билан бирга ўқувчига тарбиявий ўғит беришга, достонларнинг ўқишлилигини таъминлашга хизмат қилади.

³ Турдимов Ш. Эпосни ўқиб, ўтмиш, бугун, келажак моҳиятини тушунамиз. // <http://uza.uz/>